

ЎЗБЕКИСТОН ССР "БИЛЛМ" ЖАМИЯТИ

Азиз Пұлатович Қаюмов,
филология ғаллари доктори,
профессор

ОКТЯБРЬ ВА БАДИЙ МАДАНИЯТ

Лекторга ёрдам

Тошкент - 1977

1978	ГБ УзССР
A	750

10 9842
0

КПСС ХХУ СЪЕЗДИ ВА СССРДА
МАДАНИЯТИНИГ РАВНАКИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ХХУ съездидан маданийатимиз халқ хўжалиги ва маданиятинига тараққиётидаги янги давр очди. КПСС Марказий Комитетининг Бол секретари ўртоқ Л.И.Брежневнинг бу съезддаги "КПСС Марказий Комитети Ҳисоботи ҳамда ички ва ташки сиёсат соҳасида партиянига вазифалари тўғрисида" ги доклади ССОРнинг янада ривож топишига оид муҳим партияний хужжат бўлиб колди.

КПСС ХХУ съездининг қарорлари ривожланган социализм маданиятини назарий масалаларини ишлаб чиқишга ҳамда СССРда маданий юксалишни таъминлашга оид назарий ва амалий фаолиятни кучайтириш учун бой замони яратиб берди.

Социалистик маданият кишиларнинг руҳий дунёсини бойитишга хизмат қиласди. У янги социалистик инсонни шакллантиради. Шу жиҳатдан социалистик маданият фаол ва зўр таъсир кучига эга бўлган ижтимоий бир омиллар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг янги Конституциясида Совет давлатининг маданият ва ижтимоий тараққиётта кўрсатаётган ғамхўлиги алоҳида таъкидланган.

СССР янги Конституциясининг 25=моддасида СССРда халқ маорифининг ягона системаси мавжуд бўлиб, у гражданларга умумий таълим бериш ва касб=хунар ўргатишни таъминлаши, ёшлиарни коммунистик руҳда тарбиялашга, маънавий ва хисмоний жиҳатдан камол тоғтиришга хизмат килиши, уларни меҳнатга ва ижтимоий фаолиятга тайёрлаши кўрсатилган. 26=моддада эса СССРда фанинг планли развишда ривожлантирилиши, илмий кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқотларнинг натижаларини халқ хўжалигига ва ҳаётнинг бошқа соҳаларига жорий этишини ташкил этиш тўғрисидаги фикрлар изкор этилган.

27=модда Совет давлатининг жамият маънавий бойликларини асрар ва кўпайтириш, улардан совет кишиларининг маданий савишини ошириш учун фейдаланишига оид тадбирлар кўришини билдиради. Шу моддада СССРда профессионал санъат ва халқ бадиий ижодкорлигини ривожлантириш ҳар жиҳатдан рағбатлантирилиши алоҳида таъ-

киллаб ўтилган.

СССР Конституциясида маданият ва ижтимоий тараққиёт бораси да байн этилган принциплар Совет давлатининг маданиятпарварлик табиатидан яқдод далолат бермоқда.

Улуг Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги арафа-сида эълон қилинган СССР Конституциясининг лойихаси партия ХХУ съезди қарорларининг изчилик билан ҳаётта татбиқ этиб борила-ётганимидан дарак бериб турибди.

Маънавий маданият тараққиётига оид масалалар ижтимоий ҳа-ётнинг берча соҳалари билан мустаҳкам алоқадорликда, яслит ра-вишида қаралади. Ҳозирги замондаги маънавий тараққиётнинг ўзи га хос хусусиятлари, маданий-ахлоқий мухитга алоқадор барча ҳал қилинши лозим масалалар, илмий-техник инқилоб билан ма-даний инқилоб ўртасидаги муносабатлар ва узаро таъсир кўр-сатиш социалистик мамлакатлар ўртасидаги маданий ҳамкорлик ва бирдамлик, қардош ҳалқлар маданиятларининг тобора яқинлаша ва интернационал моҳият кассо эта борими шулар қумласидандир.

Л.И.Брежнев КПСС ХХУ съездида айтган эдики: "...кенг ҳалқ оммасининг маданиятини гуллаб-яшнатиш ва фаровонлигини юксал-тириш, барча ҳалқлар ва миллатларнинг тенглиги ва қардошлиги-ни таъминлаш идеаллари жаҳоннинг қайси қисмida амалда рӯёбга чиқарилаетган бўлса, мана шу қисм биз коммунистларга, бизнинг акл-идроқимизга ва қалбимизга биринчи галда яқинроқдир, ал-батта".

КПСС ХХУ съезди қардош компартияларнинг иқтисодий ва мағкуравий соҳалардаги алоқалари йилдан йилга кенгайиб бора-ётганини қайд қилиб ўтди. Кўпгина илмий йўналишлар олимлар-нинг умумий ғаолияти туфайли ривож топмоқда: радио, телевиде-ние, матбуот ва бошқа маданий соҳаларда ғаол ва самарали ҳам-корлик қилинмоқда.

Булар ҳаммаси қардош партияларнинг ҳар бирида ғоявий-тар-биявий ишларнинг савиисини баландроқ, кўтаришга ёрдам бермоқ-да.

Ҳозирги замонда мағкуравий ҳаётнинг энг асосий белгиси иккι дунё: капитализм дунёси ва социализм дунёси ўртасидаги;

икки мафкура: буржуазия ва социалистик мафкура ўртасидаги қараша-қаршилик ва муросасиз курашдан иборатdir. Бундай шароитда ҳар бир синий жамиятдаги миллий маданиятларда икки қарама-қарши миллий маданият мавжудлиги ва улар ўртасида тинимсиз кураш боражаги тўғрисидаги ленинча таълимот яна бир бор ўз олий исботини топмоқда.

Социализм мамлакатлари маданиятлари ўртасидаги бирдамиллиг ва ҳамкорлик тобора авж олиб бормоқда. Айни замонда капиталистик мамлакатлардаги икки қарама-қарши маданиятлар ўртасидаги зиддият тобора кучайиб боради.

Мафкуравий курашда социалистик маданиятларнинг бирдамиллиги ва ҳамкорлиги ғоят катта аҳамиятга эга. Мафкуравий курашдаги бизнинг энг кучли қуролимиз социализм тўғрисидаги хакиқатдир.

КПСС XXV съезди жаҳонда тинчлик, озодлик ва ҳалилар истиқболи учун курашда биринчи даражадаги муҳим вазифаларни белтилаб берди. Булар орасида ўртоқ Л.И.Брежнев бизнинг кўп қиради маданиятимиз тараққиётига оид масалаларни ҳам илгари сурди.

Маданият масалалари инсоннинг маданиятдаги ўрини ва уни яратишдаги иштирокини ҳам ўз ичига олади. Марксча-ленинча таълимот маданиятнинг инсоннинг маънавий такомилини таъминлашдаги ролига алоҳида аҳамият беради. Бу маданият шахси жамият олдидаги турган энг мураккаб ва оғир вазифаларни еча олишга қодир қилиб тарбиялашга қаратилгандир. Шунинг билан бирга ҳар бир шахс маданий-тарихий жаённинг бевосита қатнашчиси ҳамидир. Шахси ғакат маданиятни истеъмол этувчи дебгина қараш тўғри бўлмайди.

Ҳар бир инсон бутун бир олам кабидир. Инсонда асрлар дахоси, шахсий ҳаёт таҳрибаси, бой туйғулар ва олдинга интилиш шурии мужассамлашган. Инсон фаолияти иктиомий тараққиётни ривоҷлантирувчи ва бойитувчи муҳим омилдир. Шунинг учун инсонни бунёдкор этиб шахлантириш, унинг ижодий истеъодини ҳар томонлама ўстириш лозим. Социалистик маданиятнинг вазифаси айни ана шундан иборат. Тараккий тошган социализм шароити бу вазифанинг амалга оширилиши учун барча объектив шароитни яратиб беради.

КПСС ХХУ съезди социалистик жамиятнинг кундан-кунга янги чўқциларни эгаллаётганини, ған ва техника тараққиёти туғайли ижтимоий-иктисодий шароитнинг янтиланиб бораётганини таъкидлаб ўтди. Ҳаётга янги авлод тобора кириб келмоқда. Ҳалқнинг онглилиги ва боҳабарлиги ўсиб бормоқда. Шунга кўра, бизнинг олиб бораётган оммавий ишларимизнинг савияси кишиларнинг юқсак талабларига жавоб бера оладиган бўлиши керак. Аммо одамлар нинг барча маънавий эҳтиёжларига ҳали лозим даражада жавоб берса олганимиз йўқ. Бу ишда ечилмаган муаммолар бор.

Ҳалқаро кескинликнинг имшатилиши социализм гояларини кенг тарғиб этиш учун қулай шароит яратади. Аммо империализмнинг ташвиқот органлари ҳам бунта усталик билан мослашиб олмоқдалар. Шунинг учун биз ўз ташвиқот ва тарғибот ишларимизни янги шароитни хисобга олган ҳолда уюштиришимиз шарт.

Икки қарама-қарши дунёкарашлар ўртасидаги курашда бетарафлик ёки келишувчиликка ўрин бўлиши мумкин эмас. Бу курашда юқсак сиёсий эътиқод, хушёрлик, ғаол, оператив ва ишонтириш кучига эга булган таъсирили ташвиқот ишлари олиб борилиши лозим. Ёт гояларга қарши ўз вактида қатъий зарба етказиш талаб қилинади.

КПСС ХХУ съезди партиянинг идеология соҳасидаги ишларига янгича талаблар қўиди. Бу талаблар ҳозирги замондаги ижтимоий муносабатлардан, ҳалқаро ахволнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқмоқда. Тарбия ишига яхлит равишда ёндошиш, яъни гоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг мустаҳкам бирлигини таъминлаш зарур. Бунда идеология ишларини аҳоли қатламларидан ҳар бирининг талаб ва савиясини эътиборга олган ҳолда олиб бориш лозим.

КПСС Марказии Комитети 1977 йил февраль ойидаги "КПСС ХХУ съезди қарорларини бажаришда оғзаки сиёсий агитациянинг ролини ошириш тўғрисида" қарор қабул қилди.

Бу қарорда партия ташкилотлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни КПСС ХХУ съезди қарорларини бажаришга сафарбар этишда матбуот, телевидение, радио, сиёсий ва иктисолий маориф системаси, лекция пропагандаси билан бир қаторда

оғзаки агитациянинг ҳам турли форма ва методларидан кенг фойдаланиш кўрсатилган. Партия ташкилотлари бу оғзаки сиёслий агитациянинг янада самарали формалари ва методларини қидириб томондадар. Савол-жавоб кечалари, раҳбар ходимларнинг ахори ҳузурда ой сайин бир вақтда ўтказадиган сұхбатлари /ягона сиёслий күнлар/, ахборотчи-пропагандистлар групкалари ва агитация бригадаларининг жойларга боришлари, митинглар, йиғилишлар ва гражданларнинг йиғинлари, оғзаки журналлар ва башка оммавий тадбирлар кенг кўламда амалга оширилмоқда.

КПСС Марказий Комитети партия ташкилотларининг оимма орасидаги сиёслий ишларининг таъсиричалигини янада кучайтириш мақсадида оғзаки агитацияни ҳар томондан такомиллаштириш зарур эканлигини таъкидлади. Оғзаки агитация партияйий сўз воситаси орқали ҳар бир кишининг кўнглига йўл томон имконини беради. Коммунистик тарбияга доир жамики ишларни йўлга кўйиша яхлитлик билан ёндошишнинг КПСС XXV съездзи ишлаб чиқсан вазифаси сиёслий агитацияни янада ривоҷлантириш ва такомиллаштириши тақодоз этмоқда.

Хозирги давр пропагандист-агитаторларнинг энг асосий вазифаси XXV съезд қарорларини чукур ўрганиш, съезд гояларини ҳар бир коммунистга, ҳар бир совет кишисига етказишидан иборатdir. КПСС Марказий Комитетининг оғзаки агитация ролини ошириш тўғрисидаги қарори ана шу соҳада қилинадиган конкрет ишлар программасидан ташкил топгандир.

КПСС XXV съездига қадар ўтган давр мобайнида совет халик жуда катта, улкан ихтимоий тадбирларни амалга ошириди. Улуг Октябрь инқилобининг 50 йиллиги /1967/, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги /1975/ шулар жумласидандир. Хозир Совет Иттифоқи халиклари ва бутун тараққийшарвар инсонийт Улуг Октябрь социалистик инқилобининг 60 йиллигини муносаб кутиб олиш учун зарбор мөхнат қўлмоқда. Бу ихтимоий тадбирларнинг туб моҳияти ва сиёслий тарбияйий аҳамияти шундаки, улар Совет кишиларининг бирдамлиги ва ўз Ватанига чексиз содиклигини на мойиш этади. Бу ихтимоий тадбирлар мөхнаткашлар онгига, айнича, ёшлар ўртасида совет ватаншарварлиги ва социалистик интернационализм, ўз Совет мамлакати учун фарҳ ифтихор туйруларини

кучайтиради; кишиларимизни социализм ғалабаларини ҳимоя қилишга отлантиради.

ШАРАФЛИ ЯКУНЛАР

Улуг Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгандан бери ўтган олтмиш йил бутун совет халқи тарихиде энг сермаҳсул, улкан тарихий иткуқларга бой давр бўлди.

КПСС XXV съезди таъкидлаб ўтдики, шу олтмиш йил мобайніда Совет Иттиғонида чинакам эркинликка эга бўлган социалистик жамият барпо этилди. Бу жамиятнинг экономикаси муттасил ўйб бормоқда; унда илмий материалистик дунёқараш ҳуқумронлик қилмоқда. Бу жамият келажак, порлок, истиқболларга ишончи мустаҳкам жамиятдир. Босиб ўтилган йўлнинг яна бир бош якуни совет турмуш тарзининг вуҷудга келганидир. Совет турмуш тарзининг ёрқин қирралари чинакам колективизм, ўртоқлик, мамлакатимиз халқларининг бирдамлиги, маънавий согломлигидан иборат. Ўтган олтмиш йил ичидаги янги совет кишиси шаклланди. У барча синовлардан ўтиб, такомиллашиб бормоқда. Бу янги инсон катта ҳаётий файрат, юксак маданият ва билимлар эгасидир. У оташин ватанпарвар ва изчил интернационалистидир.

Олтмиш йиллик тарихий тараққиётнинг энг сермаҳсул ва баракали якунлари ўзбек халқининг шаклан миллий, мазмунан социалистик моҳият ва асосий юналиши жиҳатидан интернационал маданиятининг ривожида яқдод кўзга ташланади.

Ўзбек халқи Ўрта Осиёдаги барча қардosh халқлар билан биргаликда узоқ асрлар давомида ўзига хос маданий бойликларни яратди. Шарқ халқларининг қадимий маданий обидаси бўлмиш "Авеста" китобининг юзага келишида Ўрта Осиё халқларининг иштироки ҳаммага маълум. Бу китобда эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш ва бу курашда эзгулик кучларининг ғалаба қозонажаклари тўғрисида сўз боради. Мелоддан олдин яратилган бу ёдгорлик ҳауззача бутун инсониятнинг динқат-эътиборига сазовор бўлиб келмоқда. Мелоднинг I-UI асрлари давомида Ўрта Осиё ва Қозогистон ерларида яшаган халқларининг маданий обидаларини археология, тарих ва адабиёт мутахассислари тобора кўпроқ, кашф этмоқдалар. Чунончи, I-III асрларга оид Кушонийлар даври обидалари,

ІІ-ІІІ асрға оид түрк руний битиклари /ёзувлари/ шулар жумласидандыр. Руний битиклардаги асосий мазмун ҳәётта, она көртгә мұхаббат, әлгә ғамхүрлик, әркпарварлық ғояларининг тарғибыдан иборат. ІІІ-ІХ асрларда юз берган ислом истилоси туғайли Ўрта Осиё халқлари маданиятининг жуда күп ёдгорліклари босқынчилар томонидан онгли равишда ішүк қилиб ташланды. Аммо IX-X асрларга келиб Хорази, Бухоро, Тошкент, Фарғона ва бошқа районларда халқ, ўз маданиятини яна барқарор этди. Ана шу фурсатда улуг олимлар Мұхаммад Мусо Ал Хоразмий, Фаробий, Ал Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Махмуд Қошарий, Наршахи, Замағшарий кәбі күплаб тадқиқотчи олимлар, шоир ва мутафаккирлар ўзларининг ўлmas асарларини вужудга келтирдилар.

XУ аср маданияти Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Мирхонд, Беҳзод, Султонали, Қавомиддин, Дағлатшоҳ Самарқандий ғаби ижодкорлар фаолияти билан баҳоланади.

Асрлар оша бу маданият ўзининг тадрижий тараққиетида да-вом этди. XIX асрда Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдиди Россия халқларининг тарихи билан жипс bogланды. XIX асрдаги маданий ҳәётта баш ўрин туттган Зокиржон Фурқат, Комил Хоразмий, Абай, Ахмад Дониш ва бошқа күп мутафаккирлар Ўрта Осиё ва Қозогистон халқларининг кележаги рус маданиятини ўрганиш ва унинг мұваффакиятларини ўзлаштиришда әканини аник күрдилар. Улар аяна шу йўлни доимо тарғиб этдилар.

Ўрта Осиё ва Қозогистон халқлари, шу жумлада.., ўзбек халқи-нинг тақдиди бу халқлар меңнаткашларининг рус пролетариати бош-чилик қилаётган озодлик курашига күшилиши билан янгича мазмун касб этди. Натижада 1917 йили ғалаба қозонган Улуг Октябрь со-циалистик революцияси туғайли халқларимиз тарихиди янги давр очи-ди. Биз бугун ана шу даврнинг шарабли маҳсулларидан баҳраманд бўлган ҳолда ҳәёт кечирмокдамиз.

Халқларимиз қадимий маданияти тарихини ўрганиш, уни илмий йўсинада тадқиқ этиш, маданий обидалар ва бой меросни чинакам халқ, мулкига айлантириш буюк Октябрнинг халқимизга баҳш этган куттуғ афзалиётлари туғайлигини мумкин бўлди.

Бунинг янги социалистик маданиятни юзага келтиришда улкан аҳамиятта эга эканлиги шубҳасизлар.

Ўзбекистонда социалистик маданиятнинг биринчи байроқдорларидан бири, оташин инқилобчи шоир Ҳакимзода Ниёзий:

Бузамиз эски дунёни жаҳон ичра

Курәмиз янги дунёни замон ичра

деб янги социалистик ҳаёт қуриш шиорини баралла эълон қилиб.
Совет ҳокимиётини чин юракдан табриклиди. Улуғ Октябрь инқилобининг ғалабаси ўз ҳалқи ҳаётида тамомила янги давр очганини шоир чуқур сезган, бутун истеъоди ва гайратини ана шу ҳаёт учун курашга бағишлаганди.

Яша дуро, яша шуро
Сен яшайдирган замон,
Инчи ўғли шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон.

Яша шуро, яша шуро!

Ҳамза Ҳакимзоданинг бу инқилобий мисралари илғор фикрли ўзбек маданиятининг қалб нидолари бўлди.

Социалистик воқелик янги социалистик маданиятни юзага келтира бошлади.

1917 йили ғалаба қозонган Улуғ Октябрь социалистик революцияси бизнинг мамлакатимизда меҳнаткашларнинг зулмкорлар устидан ғалабаси билан якунланди. Инсоният тарихида илк бор меҳнаткаш ҳалқ оммаси ўз ҳокимиётини ўрнатди. Эндиликда, Совет Иттиҳодидаги мавжуд барча ишчилар ва деҳқонлар синфи, улардан етишиб чиқсан янги ижтимоий қатлам – зиёлилар ҳаммаси биргаликда коммунизм қуриш йўлидан бормоқдалар.

Социализм янги социалистик маданиятни барпо этди. Бу шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятдир. Аммо бу маданият фавқубодда пайдо бўлиб қолгани йўқ. У синфи жамиятлардаги меҳнаткаш ҳалқ оммасининг ҳаёт шароитларида юзага келган демократик ва социалистик маданият элементлари асосида ташкил топди. Социалистик маданият миллий маданиятлардаги илғор ва тараққийпарвар маданиятларни ўзлаштириш асосида пайдо бўлди.

Демак, социалистик маданият бутун инсоният тарихи давомида

яратылған илғор, тараққыйшарвар маданияттнинг чинакам вориси, унинг муносиб давомчысыдир. Улуғ дохиймиз В.И.Ленин үзининг 1913 йилда ёзған "Миллий масала бўйича бальзи мулоҳазалар" мақласида ҳамда 1920 йилнинг 27 октяброда бўлиб ўтган комсомолнинг III съездидаги сўзлаган нутқида ғоғт иксак донишмандлик билан бу ҳақда айтib ўтган эди.

Социализм бадиий маданияти ўтмиш даврлардан мерос бўлиб қолган маданияттнинг ана шундай энг илғор, тараққыйшарвар қисмларига асосланади. Социалистик бадиий маданият том маънодаги ҳалқ маданияти, ўзида ҳалқшарварлик, партиявилик, ғоявийликни мужассамлантирган маданиятдир.

Будиий социалистик маданият воқеликни унинг инқилобий ўзгариши жараёнида ўрганади, энг илғор марксча-ленинча дунёка-рашин тарғиб этади, кишиларимизни социализм ва коммунизм ғояларининг ғалабаси учун курашга ундайди.

Бадиий маданият маҳсуллари - шеър, роман, достон, қўшик, куй, спектакль, расм, кинофильм кишининг руҳий дунёсига таъсири этишга, уни бойитишга ҳамда киши руҳий ҳолатида ўзгаришлар пайдо килишга қаратилгандир.

Классик адабиёттнинг олий намояндалари ўз ижодларида ана шундай ғояларнинг тарғиботчилари бўлиб келдилар. Ҳалиқа чексиз мұхаббат, инсонни улуглаш, унинг баҳт=саодати учун кураш улар учун бош мавзу бўлиб келди. Ана шундай илғор, олийканоб мағкурани буюк ижодкорлар иксак бадиий шаклда баси этаолдилар. Уларнинг ижоди чукур мазмундорлик ва мукаммал бадиий шаклининг қоришимасидан иборат бўлди. Демак, бадиий маданият маҳсуллари ғоявий мазмун билан бадиий шаклининг уйғунылиги сифатида намоён бўлмоқда.

Социалистик маданияттнинг асосий вазифаси янги инсонни тарбиялаб етиштиришга, унда энг олийканоб фазилатларни намоён этишга, бу фазилатларнинг социализм ва коммунизм ишига садоқат, ҳалол меҳнат, мұхаббат, кишиларга ғамхўрлик, ижтимоий ва шахсий ҳаётда покизалик, ростгўйлик, тўғрилик, камтарлик, социалистик мұлкни эҳтиёт килиш, эскилий иллатларига қарши кураш каби хусусиятларни тарбиялашдан иборатдир. Ана шундай фазилатлар эгаси

бўлган инсонни жамиятнинг ҳар бир аъзосида кўриш ўтмиш мутафаккирларнинг эзгу орзуси эди. Аммо синий зиддиятларга асосланган жамиятда бу орзуларга эришиб бўлмас эди. Факат социализм жамиятина юксак фазилатларнинг ривожи учун объектив шароит яратди. Аммо ўтмиш саркитлари ҳали ҳам тугаллангани йўқ. Бунинг устига буржуа пропагандаси кишиларимизни тўғри йўлдан оздиришга зўр бериб ҳаракат қўймокда. Бундай шароитда социалистик бадиий маданиятнинг вазифаси социализм ва коммунизм идеалларининг соғлигини ҳамиша сақлаш ва уларни зўр ишонч билан ҳаётга тадбиқ этишдан иборат. Мағкуравий курашда келишувчилик ёки бетарафликка ўрин бўлмаслиги керак.

Инсоннинг муқаммаллиги, унинг орзу=умидлари, интилишлари, мақсад ва ниятларининг улуглигига намоён бўлади. Ана шу орзу=ниятлар, эзгу хоҳишларни биз идеал деб атаймиз.

Коммунистик жамиятнинг бош принципи "Ҳар кимнинг қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша" деган принципга асосланади. Ҳар бир жамият аъзоси жамият мағбаtlари йўлида ҳалол меҳнат қилади. Жамият эса унинг барча зарурий эҳтиёжларини тъмин этади. Аммо бунда ҳар бир онгли инсон ўз эҳтиёж ва талабларини маъдум зарурий доира билан чеклай олиши шарт. Шундагина у чин инсоний муқаммаллик кассб этади.

Коммунизм жамияти олий интилишлар, такомил ҳукмрон бўлган жамиятлар. Бу жамиятни барпо этмоқ учун кураш ҳар бир соғдил кишининг виждоний бурчига айланиши керак. Шунинг учун коммунистик идеал ҳар бир олийжаноб қалб эгаси бўлмиси зот учун шахсий ҳаёт идеали бўлиб қолади.

Социалистик бадиий маданият ўз маҳсуллари орқали кишиларда ана шу идеал йўлида фидокорона меҳнат ва кураш туйғуларини уйғотади, уларни шу идеал тантанасини таъминлашта чорлайди. КИСС XXV съездиде таъкидлаб ўтилганидек, ҳозирги даврда кишиларимизнинг ғоявий=ахлоқий ва маданий савиясини ошириш энг муҳим қундалик вазифаларимиздан биридир.

Биз ҳар бир жамият аъзосида маданий бойликларни ўзлалтиришга бўлган талабни ошира боришимиз, айни замонда унинг шу маданий бойликларни яратишдаги иштирокини кучайтиришимиз керак.

КПСС ХХУ съездиде партияниң тарбия соҳасидаги асосий вазифаси – янги совет кишисини шакллантиришдан иборат деб яна бир бор таъкидлари. Бу жараён дастлаб социалистик воқеалик туфайли содир бўлади. Янги инсонни шакллантиришда бадиий маданият маҳсуллари foят катта ахамият кассб этади.

Партия съезди таъкидлаб ўтганидек, ўтган йиллар мобайнида ижодий зиёлилар ўз фаолиятини анча ривожлантирилди. Мамлакат хаётидаги бош ўрин тутган воқеалар бадиий асарларда ўз тасвирини топаборди. Бу воқеалар совет халқининг яратувчилик фаолияти, совет кишиларининг шахсий тақдирига чамбарчас бояланган, кишиларимиз кундалик турмушининг узвий бўлагига айланисб кетди.

Совет бадиий маданияти яратган кўпгина асарларда Улуғ Ватан уруши мавзуи ўзининг янтича талқинини тоғди. Кўпгина асарлар ахлоқий масалаларни ёритишга бағишиланди. Инсондаги юксак вазилатлар – принципиаллик, соғи вижонлилик, туйғуларнинг чуқурлиги ва бойлиги ана шу асарлар қаҳрамонларининг характеристида аниқ кўриниб турибди. Булар билан бир қаторда тинчлик учун кураш, халқлар озодлиги, интернационал бирдамлик масалалари ҳам бир қанча асарларда акс эттирилди. Ижодий зиёлилар ўз амалий фаолиятларида ижтимоий ҳаётда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Улар Байкам-Амур темир йўл магистрали курилиши, Кама автомобиль заводи курилиши каби буюк ишшоотларга оталик қилмоқдалар. Маданият арбобларининг меҳнаткашлар билан учрашувлари катта самаралар бермоқда. Музика санъаткорларининг йигитма мингдан зиёд ана щундай учрашувлари мароқ билан ўтказилди. Булар туфайли кўп миллионли халқ оммаси санъатдан янада кўпроқ баҳраманд бўла борди.

Социалистик реализм санъатига оид рўлган ҳар бир бадиий асар кишиларимизда социализм ва коммунизм идеалларига чин садоқатни тарбияламоқда. Бунда маданият тараққиётига партия раҳбарлиги ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

"Адабиёт ва санъат масалаларига партияниң ёндошиш, – деган эди ўртоқ, Л.И.Брежнев КПСС ХХУ съездиде қылган докладида, – бадиий зиёлиларга нисбатан меҳрибонликни, уларнинг ижодий изланишларига кўмаклашишни принципиаллик билан бирга қўшиб олиб боришни тақозо этади".

Хозирги даврда бадий зиёлилар сағига жуда күп ёш қобилиятли ижодкорлар кириб келмоқда. Шунинг учун ёш истеъдодли ижодкорларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ўстириш ва улар иходи учун лозим шароит түғдириши КПСС XXV съезди томонидан шу соҳада қўйилган вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг ёш ижодкорлар билан ишлашни яхшилаш тўғрисида 1976 йилда қабул қиласган маҳсус қарори ана шу ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Партия ёш бадий зиёлиларниң иходини ривожлантириш, уларни ғоявий ва бадий маҳорат касб этиши тўғрисида қатор амалий тадбирлар белгилаб берди. Буларнинг ҳаммаси партия XXV съезди аниқлаган йўлнинг изчилик билан амалга оширилаётганидан якъол далолат бериб турибди. Партия ва партиявий санъат бир бутун, яхлитdir. Социалистик реализм санъати меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга оид умумпартиявий ишнинг бир таркиби бўлагидир.

Улуғ Октябрь социалистик инқолобининг олтмиш йиллиги бутун инсоният маданиятининг янги тараққиёти учун мустаҳкам асос солди. Советлар мамлакатида ғалаба қозонган етук социализм жамияти, маданий инқолобининг самарали натижалари бутун дунёда социализмнинг афзалликларини намойиш этмоқда. Шунинг учун жаҳондаги барча халиллар маданиятида Октябрь ғояларининг таъсири ҳамон кучайиб бормоқда. Миллий озодлик йўлида бораёттган ҳамда капитализм ҳукмрон бўлган мамлакатлардаги халқлар маданий курилишнинг чинакам тараққиёти социализм орқалигина бўлишини тобора кўпроқ тушуниб олмоқдалар.

Октябрь ғалабасининг самараси бўлган бадий маданият чинакам халқ, мулкидир. У жаҳон маданияти тараққиётининг Октябрь йўлидан бориши муқаррар равишда ғалабага олиб келажагини аниқ кўрсатиб турибди.

Социализм бадий маданияти Октябрь ғалабаларининг илхом-бахш куйчиси ва оташин тарғиботчиси бўлиб тарихга кириб қолажайдир.

Эндиликада СССРда ривожланган, социализм – етук янги жамиятнинг шундай босқичи қурилдаки, – деди эди КПСС Марказий Комитети Бон секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси,

Конституция комиссиясининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев, "бу босқичда жами ижтимоий муносабатларни социализмгагина хос бўлган колективчилик асосларида қайта куриш тугалланади. Бу эса социализм қонуларини амалга ошириш учун, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида унинг афзаликларини рӯёбга чиқариш учун кенг имконият очиб беради. Социал системанинг узвий яхлитлиси ва динамизми, унинг сиёсий барқарорлиги, бузилмас ички бирлиги шундан келиб чиқади. Барча синфлар ва социал гурӯҳларнинг, барча миллат ва элатларнинг яқинлашуви ўсиб бораётганилиги ва бизда кишиларнинг тарихий янги социал ва интернационал бирлиги - совет халқи вуждудга келганилиги шундан келиб чиқади, янги социалистик маданиятнинг вуждудга келганилиги, янги социалистик турмуш тарзининг қарор тоғланлиги шундан келиб чиқади.

Методик маслаҳатлар

Мазкур рисолада Октябрь революцияси ва мамлакатимизда бадий маданиятнинг ривожланишига доър бир қатор баъзи мулоҳазалар берилди. Ушбу мавзуда лекция ўйилганда, "Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет Советской власти" статистик тўпламдан ҳамда республика матбуоти саҳифаларида ёритилаётган материалардан, маҳаллий фактлардан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Адабиётлар

КПСС XXI съездининг материаллари. Т., "Ўзбекистон" наприёти, 1976.

Л.И.Брежнев. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Конституцияси /Асосий қонуни/ лойихаси ва унинг умумхалқ муҳокамаси якунлари тўғрисида СССР Олий Советининг еттинчи сессиясида 1977 йил 4 октябрда қилинган доклад. Т., "Ўзбекистон" наприёти, 1977 йил.

Ш.Р.Рашидов. Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездида ЎзКП МК нинг Ҳисобот доклади. Т., "Ўзбекистон" наприёти, 1976.

КПСС МК нинг "Улур Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги" тўғрисидаги 1977 йил 31 март қарори.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Конституцияси /Асосий Қонуни/.

На узбекском языке

автор - Азиз Пулатович Каюмов,
доктор филологических
наук, профессор

ОКТЯБРЬ И ХУДОЖЕСТВЕННАЯ КУЛЬТУРА

Редактор - М.Отахонова
Корректор - Ш.Тошхўжаева

№ I24

Босишига руҳсат этилди: 16/XI-1977 й.

P - I2487

Буюртма 318

Тиражи - 500

Ўзбекистон ССР "Билим" жамияти ротапринтида босилди. Тошкент,
Киров кўчаси, 24.